Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 172 (5463).
1 АВГУСТ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● 30 июль куни СССР Министрлар Совети Президиумининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссияси навбатдаги мажлисини ўтказди.

● Чехословакия гидрометеорология хизматининг директори, жаҳон метеорология ташкилоти ижроия кенгашининг аъзоси Вацлав Рихтер уч кун Ўзбекистонда бўлди. У Ўзбекистон Республика гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш бошқармасининг, В. А. Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот институтининг, «Чимён» кўчки станциясининг фаолияти билан танишди. В. Рихтер Тошкент, Самарқанд, Бухоронинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районларини кўздан кечирди.

КПСС Марказий Комитетида

● **КПСС Марказий Комитети «Эстония ССР раҳбар кадрларининг меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишдаги иштироки тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Ушбу қарорнинг тўла тексти тонгги газеталарда эълон қилинган.

Халқ жасорати ҳақида

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ажойиб сана — Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига атаб катта кўргазма тайёрламоқда. Шу кунларда совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган буюк Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб материаллар тўплашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу нодир ва ноёб ҳужжатларнинг ҳаммаси тайёрланаётган кўргазмадан фахрли ўрин эгаллайди.

1988 йилни қаршилаб

Бадиий буюмлар фабрикаси коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган куннинг 60 йиллигини таҳсинга лойиқ кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун мусобақада фаол иштирок этмоқда. Корхона цехлари, бригадалари ўртасида меҳнат беллашуви қувончли натижалар билан якунланмоқда. Йилнинг ўтган олти ойи давомида бу ерда 13 миллион 900 минг сўмликка яқин маҳсулот тайёрланди. Ана шу миқдорнинг аксарият қисми фахрли беш қиррали белги билан муҳрланган-дир.

Фабрика фидойилари яқиндагина юбилей йили социалистик мажбуриятини муваффақият билан уддалаб, қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришдилар. Йил охиригача планга қўшимча яна 500 минг сўмлик турли хил буюмлар тайёрланади. Бунга меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда ошириш эвазига эришилади.

Бу ерда ўз касбига меҳр қўйган жонкуяр ишчилар коллективнинг асосий қисмини ташкил этади. Ўн икки нафар илғор ишчи эса «тўққизлар ҳаракати»га қўшилиб, қутлуғ юбилейни ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш билан пешвоз олишга аҳд қилган.

БУГУН

корхонанинг М. Мирзааҳмедова, Т. Каблакова, М. Одилова, Р. Шарафуддинова сингари чеварлари 1988 йил ҳисобига меҳнат қила бошлади. Бу чеварлар тайёрлаётган кўркам буюмлар ўз сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

ЎзССР 60

Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг Н. Исамуҳамедов бошлиқ дурадгорлар бригадаси коммунистик меҳнат бригадаси номини шарафлаб келмоқда. Коллектив смена топшириқларини 20—30 процентга ошириб адо этяпти. Маҳсулот сифати ҳам анча юқоридир.

«Геологоразведка» заводининг коммунист С. Маҳсумов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи ҳам зарбдор вахтада туриб тер тўкяпти. Иккала зарбдор коллектив ўз меҳнатини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлашга аҳд қилган.

СУРАТЛАРДА: Н. Исамуҳамедов ва С. Маҳсумов бригадалари.

Т. Каримов фотолари.

ПРАВДА саҳифаларида

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ДУНЁСИ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ—ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ ИШИ

Азалдан Ўрта Осиёда алоҳида турар жой массиви ёки йирик кварталларни «маҳалла» деб аташади. Агар илгари улар фақат пахса деворлар билангина эмас, балки ўз расм-русмлари, урф-одатлари билан бир-биридан ажралиб турган бўлса, эндиликда давр уларнинг ҳаётига жиддий тузатишлар киритди. Бугунги кунда улар орасида девор ҳам, нифоқ ҳам йўқ. Бу ерда турли анъаналар ва кишиларнинг урф-одатларига ҳурмат билан қарашади. Ўзгалар ташвиши ва ўзгалар қувончига ҳамма шерик. Маҳаллалар дунёси ўзига хос. У инсонни тарбиялаш, унинг қарашларини шакллантиришда муайян роль ўйнайди.

Бизнинг Чилонзор райониммиз амалда Тошкентнинг йўлдош шаҳарчасидир. У зилзиладан сўнг республика пойтахтининг чеккасида қад кўтарди. Бу ерда саноат корхоналари оз. Бироқ аҳолиси сал кам 250 минг киши. Бундай шароитда ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишни қандай олиб бормоқ керак. Қандай кучлар билан? Айтиш мумкинки, бу ва бошқа масалалар райком бюроси мажлислари кун тартибидан тушмас эди.

Эндиликда бутун район йигирма еттита микрорайонга бўлинди. Булар бизнинг ўзига хос маҳаллаларимиз. Уларнинг ҳар бирида фақат турар жойлар эмас, балки имкони борича корхона ёки муассаса, ўқув юрти бўлишига интилдик. Улардаги ғоявий-сиёсий ишга жамоатчилик советлари раҳбарлик қилади. Буларга корхоналарнинг раҳбарлари, партия активистлари, агитаторлар, ҳуқуқ муҳофазаси органлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари киритилган. Ҳар бир советда: аҳоли ўртасида ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш, ҳуқуқ бузилишлари олдини олиш, ободонлаштириш бўйича оталиқ ёрдами кўрсатиш каби секциялар мавжуд.

Лекин бу системага қандай ҳаёт бахш этмоқ, у кўпроқ фойда келтириш учун қандай йўлларни танламоқ лозим? Узоқ вақт эскичасига ишладик: турли тадбирлар сонига, оммавийликка зўр бердик. Тез-тез йирик миқёсдаги тадбирларимиз зое кетар, мақсадга эриша олмас эдик. Сирасини айтганда, отилган ўқлар нишонга тегмасди.

(Давоми 2-бетда).

МУСОБАҚА АВЖ ОЛМОҚДА

БУГУН

шина ремонти заводининг С. Тўлаганова, М. Нуриддинова, О. Полуях, А. Иброҳимов сингари фидокор ишчилари юбилей йилининг август ойи топшириқларини муваффақият билан бажаришди. Бу пешқадамлар серқуёш республикамизнинг қутлуғ юбилейини ўн биринчи беш йиллик планини бажариш билан кутиб олиш учун курашишмоқда.

Ҳозирги долзарб кунларда ана шу хайрли ташаббусни корхонанинг 100 нафардан ортиқ ишчиси қўллаб-қувватлаб меҳнат қиляпти. Завод коллективи шонли йилда 64 минг 300 донадан зиёд автомобиль шиналарини халқ хўжалиги хизматига яроқли қилиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқда.

● *Истеъмол буюмларига—кенг йўл*

МОДАЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

Республика енгил саноат корхоналари учун кийим-кечакларнинг коллекциясини яратиб бериш Тошкентдаги кийим моделлари уйи ижодкорларининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Корхона меҳнатчилари бу йил турли хил газламалардан 70 хил янги моделни ишлаб чиқариш мажбуриятини олишган. Бугунги кунда бу ерда давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар умумий ишлаб чиқаришининг 70 процентдан ортиғини ташкил этади. Модалар уйининг экспериментал цехида хотин-қизлар учун аталган замонавий қўйлаклар кичик серияда —500 талаб тайёрланмоқда.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

БУГУН

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг реле-автоматика заводида **кенг истеъмол буюмлари туркумидан янги маҳсулот — ўйинчоқ поездлар катта миқдорда тайёрлана бошланди. Ушбу поездлар кичкинтойлар учун муносиб овунчоқ бўла олади. Йил охиригача янги маҳсулотдан 50 минг дона тайёрланиши мўлжалланган.**

Айни пайтда корхонада болаларга мўлжалланган 20 хилдан зиёд ўйинчоқлар муваффақият билан ишлаб чиқарилмоқда.

Хонадонда юмуш осонлашади

Газ аппаратуралари заводида қулайлиги оширилган янги газ плитасининг дастлабки тажриба намунаси тайёрланди. Хонадонга ўрнатиладиган бу плитани республика газ техникаси конструкторлик — технология бюроси мутахассислари ишлаб чиқишган. У аввалгисидан ташқи қиёфасининг ихчамлиги, чиройлилиги, духовка шкафига таглик ўрнатилганлиги билан ажралиб туради.

Хусусий уйларда истиқомат қилувчилар учун уйни иситадиган ва қайнок сув тайёрлайдиган ускуналар ҳамиша ардоқлидир. Бу ускунанинг оғирлиги 160 килограммга яқин эди. Эндиликда у анча енгил тортди, ишлатишда қулай ва чиройлидир. Бу модель ҳам ўша конструкторлик-технология бюросида яратилди.

— Яна бир янгилик яратилди, — дейди бюро бўлим мудири К. В. Кадишнов.— Илгари ишдан чиққан яроқсиз газ баллонлари металл-ломга ташлаб юборилар эди. Эндиликда уларни ишлатиш усули топилди. Бизнинг тайёрлаган чизмаларимиз асосида Ангрендаги «Подземгаз» станциясида қишлоқ жойларида ёқиладиган қаттиқ ёқилғи учун ўзига хос печкалар тайёрлаб чиқарилмоқда. Бу янгилик Республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш этилади.

«Оқ олтин», «Фарҳод» ва бошқалар

Шу кунларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий ходимларининг фаолияти қизғин бормоқда. Чунки республикамиз далаларида Тошкент селекционерлари яратган ғўзанинг юқори сифатли толасига эга бўлган нави республика далаларида биринчи марта ҳосил нишонасини кўрсатди.

Институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари О. Ж. Жалиловнинг маълум қилишича, «Оқ олтин» нави пойтахт областининг Бекобод районидаги Ленин номли колхозда юзлаб гектар майдонда, «Самарқанд—3» нави эса Самарқанд ва Навоий областларида кўплаб майдонларга экилган. Бундан ташқари «Октябрь — 60», «Фарҳод», «Юлдуз», «Ўзбекистон—3» навли юқори ҳосилли янги ғўза навлари ҳам катта майдонларда парвариш қилинмоқда. Шу кунларда институт илмий ходимларининг бир групаси ғўза навлари ўсишини кузатиш, дала меҳнаткашларига илмий маслаҳат ва тавсиялари билан ёрдам бериш мақсадида колхоз ва совхозларга жўнаб кетдилар.

● *Ўзбекистон жаҳон даврасида*

Миллий либослар кўриги учун

Республика кийим моделлари уйининг ижодий коллективи ранг-баранг миллий газламалардан замонавий либослар моделларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу кийимлар 2 сентябрда Грециянинг Салоники шаҳрида бўлападиган халқаро ярмаркада намойиш этилади.

Либос ижодкорлари Марғилон шойи комбинатининг хонатласи, Самарқанд шойи комбинатининг «Альпак» деб номланган шифон газламасидан тайёрлаган либослари ҳар қандай аёлга манзур бўлади.

Бундан ташқари тўқимачилик комбинатларида тайёрланган ип газламалардан тикилган кўпгина моделлар ҳам ўзининг тузилиши, жозибалилиги билан диққатни жалб этади.

Ўзбек модельерлари тайёрлаган бу либослар кўригини намойиш этиш учун 45 минут вақт керак бўлади. У томошабинларни Шарқ услубидаги анъанавий миллий либосларнинг ҳозирги йўналиши билан атрофлича таништиради.

Табиатни асраш керак

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза этиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Ҳавонинг булғаниш даражаси камаймоқда, экин зараркунандаларига қарши биологик кураш методлари кенг кўламда жорий этилмоқда, ўткир заҳарли химикатлар қўллаш ҳажми камайиб бормоқда. Қўриқхона ва заказниклар кўпайиб, улар ҳозир республикада ўн олтитага етди. Жамоатчилик мана шу барча ишларда фаол қатнашмоқда. Ўзбекистон ССР табиатни қўриқлаш жамиятининг 31 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган VI съездида шулар ҳақида гапирилди. Жамият ўз сафларига беш миллионга яқин кишини бирлаштирган.

Сўзга чиққан кишилар атроф-муҳитни авайлаб сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида гапириб, жамият аъзоларининг ташаббусларига мисоллар келтирдилар. Ҳамма ерда жамоат-техника комитетлари тузилган бўлиб, улар Ўзбекистон ССРнинг табиатни қўриқлаш тўғрисидаги қонуни бажарилишини назорат қилиб турибди. Жамоатчи инспекторлар эса ўғринчи овчиларга қарши муросасиз кураш олиб бормоқдалар. «Яшил» ва «кўк» соқчилар, студент дружиналари дов-дарахт ва ҳавза бойликларини ҳушёр туриб қўриқламоқдалар.

Шу билан бирга ўтказилаётган табиатни муҳофаза қилиш ишлари даражаси ҳали ҳозирги талабларга мос эмаслиги съездда айтиб ўтилди. Қимматли доривор ўсимликларнинг табиий запаслари камайиб бормоқда. Айниқса, шаҳарларда ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш, сув ресурслари, ўрмонлар ва дов-дарахтлар, ер ва ер бағрини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш проблемалари ҳамон кўндаланг бўлиб турибди.

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари асосида жамият аҳолини табиатга социалистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш борасида орттирилган тажрибаларни тобора самарали жорий этиб бориши, табиатдан фойдаланиш асослари билими пропагандасидан кенгроқ фойдаланиши зарур.

Съезд жамият уставига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритди.

Табиатни қўриқлаш жамияти республика кенгашининг янги состави сайланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов яна кенгашнинг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

В. И. Ленин тўғрисида китоб

«Владимир Ильич Ленин тўғрисида хотиралар» учинчи беш томлик нашрининг иккинчи томи босмадан чиқди. Китобхонларнинг кўплаб илтимосларига кўра, Сиёсий адабиёт нашриёти бу китобни чоп этди.

Китоб Владимир Ильич таржимаи ҳолининг революциядан илгариги даври — 1891 йилдан тортиб Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасигача бўлган даврни акс эттиради. Большевистик партия атоқли арбобларининг ва Россиядаги ишчилар ҳаракати актив қатнашчиларининг хотиралари китобга киритилган. Булар кўп йиллар мобайнида В. И. Лениннинг бевосита раҳбарлигида революцион иш олиб бориш шарафига сазовор бўлган эдилар.

Мемуарлар доҳий ҳаётининг турли даврларини ва унинг кўп қиррали фаолиятининг турли жиҳатларини ёритади.

(ТАСС).

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА БЎЛИШ ҲАҚИДА

СССР алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бош бошқармаси хабар қилади: 1985 йил учун газета ва журналларга обуна бўлиш 1984 йилнинг 1 августидан бошланади.

1985 йилнинг январидан бошлаб элтиб бериш учун обунани 1984 йилнинг 1 ноябригача расмийлаштириш мумкин. 1 ноябрдан бошлаб газета ва журналларга обуна 1985 йилнинг феврали ва кейинги ойлари учун қабул қилинади.

Аввалгидек коллектив обунани расмийлаштириш мумкин, отпуска, узоқ давом этадиган командировка, каникул пайтида муддатнинг бир қисмида танаффус билан обуна бўлиш мумкин.

Обунани «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари ҳамда иш, ўқиш ва яшаш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар ўтказадилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Августда об-ҳаво қандай бўлади?

Ёз фаслининг сўнгги ойи об-ҳавоси қандай бўлади! Қуёш радиацияси оқими камайиб ва августнинг ўртача ҳарорати июль ойидагидан 2—2,5 даража кам бўлса ҳам, об-ҳаво хусусиятига кўра август июль ойидан кам фарқ қилади. Ойлик ўртача ҳарорат ҳали деярли юқори ва Тошкент области бўйича 24—26 даража иссиқни ташкил этади. Бу кўрсаткич кўп йиллик ўртача маълумотларга яқиндир. Ойнинг биринчи ўн кунлигида қисқа муддатли —кечаси 19—20, кундузи 35—40 даража иссиқ бўлади. Ойнинг учинчи ўн кунлигида ҳарорат кечаси 10—15, кундузи 27—32 даражагача пасаяди. Қолган кунлар ичида кечаси 18—23, кундузи 32—37 даража иссиқ бўлади.

Одатда август йилнинг қуруқ палласидир. Область бўйича ёғингарчиликлар 2—4, тоғли районларда 7—14 миллиметр бўлади.

Бу йилги август ойи ҳавоси кам булутли, ой давомида ёғингарчиликлар кўп йиллик ўртача миқдорига яқин бўлиши кутилмоқда.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Узбексельмаш» бирлашмасида Ҳиндистон пахтакорлари учун кўсак чувийдиган машиналарнинг бир туркуми тайёрланди. Ўзбекистон пойтахти корхонасининг маҳсулотлари кўпгина чет эл мамлакатларида шуҳрат қозонмоқда. Бу машиналар Ироқ ва Ҳиндистонда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик ускуналари кўргазмасида намойиш этилди. Айниқса корхонанинг селлка ва ғўза чувийдиган машинаси ижобий баҳоланди.

●

«Подъёмник» заводи Финляндияга тўртта кўприк кранини жўнатди. Ана шу мамлакат шаҳримиздаги мазкур корхонанинг доимий буюртмачисидир.

Завод меҳнаткашлари бир йўла Куба ва Афғонистон буюртмаларини ҳам бажаришга киришдилар. Бу мамлакатларга ҳам худди шундай қудратли машиналар етказиб берилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 29 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 19 — 21, эртага кундузи 36—38 даража иссиқ бўлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

УЛАН-БАТОР. Монголия ревсомоли Марказий Комитети Республика ёшлар коллективлари, саноат, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, МХР экономикаси ва маданиятининг барча бошқа тармоқлари меҳнаткашлари ўртасида социалистик мусобақани авж олдириб юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. «Бизнинг зарбдор меҳнатимиз, аъло ўқишимиз, талант ва ижодимиз —ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалига!» — шу мусобақа шиоридир. Ер юзидаги ёш авлод олий анжумани шарафига эълон қилинган бу мусобақа, деб уқтирилади ҳужжатда, социализм қурилишига, ҳозирги беш йиллик конкрет халқ хўжалик вазифаларини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшаётган Монголия ёшларининг юксак сиёсий ва идеологик онглилигини, меҳнат активлиги, ватанпарварлиги ва интернационализмини намойиш қилади. Москвада ўтказиладиган жаҳон фестивали олдидан мамлакат корхоналарида, хўжаликларида, фан ва маданият муассасаларида ёшлар коллективларининг авж олдириб юборилган меҳнат мусобақаси якунлари 1985 йил 5 июлда чиқарилади.

КОПЕНГАГЕН. Ҳозир Данияда студентлардан 6.000 киши уй-жой қидириш билан шуғулланмоқда. Бу — ўтган йилдагидан 20 процент кўпдир. Кўпдан бери ўрин етишмаганлиги сабабли уларга ётоқхоналардан жой бериш рад этилган эди. Копенгагеннинг ўзидагина уй-жойга муҳтож кишилар бир йилда 40 процент кўпайди. Ҳозир Ольборг, Орхусда, Фон оролида ётоқхонадаги 1 ўринга ўрта ҳисобда 10 студент даъво қилмоқда. Ҳукумат бизнинг проблемаларимиз билан шуғулланишни хоҳламайди, деди Дания студентлар бирлашган кенгашининг раиси Лисбет Педерсен.

ВЕНА. Ёшларнинг социал ҳуқуқлар учун ўз тенгқурлари ўртасида ишсизларнинг кўпайиб боришига қарши, профессионал билим олиш ҳуқуқи учун кураш масалалари «Ёшлар ўртасида ишсизликка қарши Европа конференцияси»нинг диққат марказида туради. Конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёшларнинг халқаро йили деб эълон қилганлиги муносабати билан у 1985 йил февраль ойининг бошларида ўтказилади.

Конференция қатнашчилари, деди Австрия ёшлар касаба союз ташкилоти, ҳозирги вақтда капиталистик мамлакатларда оммавий ишсизлик авж олиб кетган бир шароитда касаба союзларининг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишлари билан боғлиқ бир қанча масалаларни, шунингдек йигит ва қизларни социал ва иқтисодий ҳуқуқлар учун кураш олиб боришдан воз кечишга мажбур этиш учун ҳозир корхона эгалари кўрсатаётган тазйиққа қарши ҳаракат қилиш методларини муҳокама этадилар.

МАДРИД. Бу ерда Испания Компартияси ёшлар ташкилоти — Испания коммунистик ёшлар иттифоқининг учинчи съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд маъқуллаган резолюцияларда мамлакатнинг НАТОдан чиқиш зарурлиги, бетараф ташқи сиёсат ўтказиш лозимлиги, Испания территориясидаги Америка ҳарбий базаларини тугатиш учун курашни кучайтириш кераклиги таъкидланади.

Съезд делегатлари, аввало, ёшлар ўртасида ишсизларнинг кўпайишига олиб келаётган ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини танқид қилдилар. 2 миллион 700 минг ишсизнинг ярмидан кўпроғини 25 ёшга тўлмаган ёшлар ташкил қилади.

Съезд иттифоқ ижроия Комитети ва секретариатининг янги состави сайлади.

КОБУЛ. Демократик Афғонистон олий ўқув юртлари ва техникумлари студентларининг мамлакат тарихида биринчи марта меҳнат семестри бошланди. Бўлғуси қурувчи инженерлар ва кончилик иши мутахассислари Боғлон вилоятига жўнаб кетдилар. Улар бу ерда Каркар кўмир конини қазишда қатнашадилар. Студентлар отрядининг аъзолари ишлаб чиқариш фаолияти билан бир қаторда ишчилар коллективларида лекциялар ўқийдилар, саводсизликни тугатиш кампаниясини ўтказишда кўмаклашадилар. Отряд аъзолари ишлаб топган маблағнинг бир қисмини «Ватан» болалар уйлари фондига ўтказишга қарор қилдилар. Шу болалар уйларида ота-оналари аксилинқилобчи газандалар қўлидан ҳалок бўлган болалар тарбияланмоқда.

Афғонистон демократик ёшлар ташкилотининг ёзги каникул даврида Ватанга қўлдан келган ёрдам бериш ҳақидаги даъватини студентлар қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу йил ёз фаслида давлат корхоналари ва қурилишларида мамлакатнинг турли олий ўқув юртларидан мингга яқин кўнгилли меҳнат қилади.

МАҲАЛЛАНИНГ ЯНГИ ДУНЁСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари биз учун бурилиш омили бўлди, дейиш мумкин. Биз турар жойлар бўйича ғоявий-сиёсий ва тарбиявий иш таъсирчанлигини пухта таҳлил этиб, одатий йўлдан чекинишга қарор қилдик. Шундай вазифа қўйдик: ҳеч бир киши таъсиримиздан четда қолмаслиги керак.

Аҳволни яхшироқ билиш учун микрорайонларнинг махсус «паспорти»ни туздик. Улар нимани акс эттиради? Ў ёки бу маҳаллада яшовчи аҳолининг батафсил ижтимоий хусусиятларини. Нотинч оилалар, тарбияси қийин ўсмирлар ҳисобга олинди. Бу бизга аниқ мақсадни, энг «танг» нишонларни кўзлаб иш олиб боришимизга ёрдам берди. Аҳоли ўртасидаги ўзгаришларни, нуқсонларимизни осонлик билан аниқлаш, салбий ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан оператив чоралар кўриш енгиллашди.

Чунончи, бир пайтлар 19-микрорайонда ўғриликлар ва бошқа тартиб бузилишлари кўпайган эди. Кўрилган чоралар етарлича натижа бермас эди. Район партия комитетида ягона фикрга келинди: мушкулликни маҳалла аҳолисининг ўзи иштирокида йўқотиш мумкин. Чиндан ҳам ишга оқсоқоллар, комсомол активистлари, дружиначилар қўшилгач, маҳалладаги вазият тез соғломлаша бошлади.

Маҳалладаги бўш ётган хонада ўсмирлар клуби очилди, спорт секциялари, техника ижодкорлиги тўгараклари ташкил этилди. Оқсоқоллар совети тарбияси қийин ўсмирлар билан суҳбатлашади, кишини нотўғри йўлга ундовчи сабабларини ўрганишади. Кейин уларни эътибор доирасидан чиқаришмайди. Зарур бўлса ўқишга киришда ёрдамлашишади, турли тўгаракларга жалб этишади, спорт билан шуғулланишга рағбатлантиришади, ишга киришда кўмаклашишади.

Чилонзорни мамлакатимиз халқлари қардошлигининг тимсоли дейиш мумкин. Чунки бу ерда ўнлаб миллат кишилари яшайди ва меҳнат қилади. Бу ҳам маҳаллаларимиз ҳаётида акс этмаслиги мумкин эмасди. Айтиш мумкинки, ҳеч қаерда турли халқлар маданиятларининг яқинлашиши, бир-бирини бойитиш жараёни биздагидек чуқур намоён бўлгани йўқ. Турли халқлар одатлари, расм-русмларининг энг эзгу, ҳаётбахш, гўзал намуналари чилонзорликларнинг тўйи-байрамларини безатяпти. Уларда янграётган турли тиллардаги қўшиқлар, рақс ва куйлар ҳаммага манзур бўлади. Ҳатто ўртадаги дастурхон ҳам ҳамманинг дидига мос келади.

Янги маросимлар ва расм-русмларни жорий этиш тажрибасини ўрганиш учун «Москва» маҳалласида махсус лекторий ташкил этдик. Тошкент халқ хўжалиги институти агитколлективи маҳаллаларда катта ғоявий тарбиявий иш олиб боряпти. Агитколлектив аъзолари аҳоли билан учрашишади. Савол ва жавоб кечалари ўтказишади. Бундай суҳбатларда кишилар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича атрофлича маълумот олишади.

Аҳоли яшаш жойларидаги ишда ахборот конференциялари яхши натижа беряпти. Бундай тадбир ўтказиладиган заллар ҳамиша гавжум бўлади. Район партия комитети таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни умумлаштиради, ҳар бири бўйича жавоб берди, конкрет тадбирлар белгилайди.

Чунончи, аҳолининг кўпчилиги районда қулай дам олиш зоналари, болалар учун спорт иншоотлари камлигидан шикоят қилар эди. Район партия комитети ва район Совети ижроия комитети катта парк қурилиши ҳақида қарор қабул қилишди. Ҳозир парк очилган. Бу ерда шинам кафе, катта спорт комплекси хизмат кўрсатяпти. Биз паркни «Дўстлик»— «Дружба» деб атадик.

Хайрли ишлар қувончли натижалар беряпти. Районда сезиларли ғоявий-тарбиявий кучга эга бўлган янги маросимлар таркиб топяпти. Бунда гап фақат тўйлар ҳақида бораётгани йўқ. Бизда кўпинча кўчалар ва кварталлар байрами, ёшларни армия хизматига тантанали кузатишлар, ёшларни ишчилар синфига қабул қилиш маросимлари ўтказиляпти.

Айни пайтда бизда турар жойлардаги иш рисоладагидек, нуқсонсиз ўтаяпти деб даъво қилолмайман. Ҳали кўп иш қилинмоғи лозим. Ҳа, биз кўпгина микрорайонларда уюшқоқликни мустаҳкамлаш, жамоат ишида кишиларнинг активлигини оширишга эриша олдик, лекин баъзи жойларда ҳали аҳолининг тарқоқлиги сезиляпти. Баъзилар ўз ҳолича, уй, квартал, районнинг ташвишлари билан бутунлай қизиқмай яшаяпти. Айтишим мумкинки, худди шундай шароитларда текинхўрлик, чайқовчилик, безорилик авж олувчи идеологик бўшлиқ вужудга келади.

Уй-жойлардан фойдаланиш участкаларининг партия ташкилотлари активлигининг кучайтирилиши бундай ҳодисаларни бартараф этишда ёрдам берган бўлур эди. Маълумки, улар асосан пенсионерлар, уруш ва меҳнат ветеранларидан таркиб топган. Катта авлод тажрибасининг фойдалилигини баҳолаш қийин, лекин биз ҳозирча ундан тўла фойдаланишга ўрганганимизча йўқ. Баъзан ветеранлар умумий ишдан четда қолишади. Ваҳоланки, уларнинг кўплари жамоат ҳаётида қатнашиш учун куч-қувватга ва хоҳишга эга. Ветеранлар клубларини ташкил этиш, уларни ёшларни тарбиялашга ва мураббийлик қилишга тортиш ниятидамиз.

Турар жойларда ғоявий-тарбиявий иш олиб боришнинг техника билан бўш таъминланганини ишимиздаги танг жойдир. Барча клублар, лекторийлар, агитпунктлар зарур миқдордаги диапроектлар, киноустановкалар, магнитофонларга эга эмас. Ёрқин, ишонтирарли лекциялар, кўпинча лекторнинг ўз ҳикоясини слайдлар ёки магнитофондаги ёзувлар билан тўлдирилмаслиги оқибатида таъсирчан чиқмайди. Албатта бунда кўп нарса корхоналар ва ташкилотларнинг оталиқ ёрдамига боғлиқ. Бироқ, барча раҳбарлар ҳам идеология иши ундан куч ва ғайратни, воситаларни аямасликни талаб этишини ҳис қилаверишмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми материаллари бизни аҳоли турар жойларида олиб бориладиган ишга янгича қарашга ундади. Ўз хатоларимизни қаттиқроқ ҳис этдик. Биз халқ депутатлари район Советининг аҳоли ўртасидаги сиёсий-тарбиявий ва маданий-оммавий иш олиб боришдаги ролини кучайтирмоғимиз лозим. Депутатлик группалари ҳам бу борада ўз имкониятларидан тўла фойдаланишаётгани йўқ. Ҳа, комсомол ташкилотлари ҳам активроқ ҳаракат қилишлари керак бўлади. Қисқаси муаммолар бор. Энг муҳими— эришилган натижалар билан чекланиб қолмаслигимиз лозим.

Т. СОДИҚОВ,
Ўзбекистон Компартияси Чилонзор район комитетининг биринчи секретари.
Тошкент шаҳри.

(«Правда» газетаси, 1984 йил, 29 июль).

• ИШЧИ— ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

Ибрат кўрсатиб

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ғулом Холматов ҳақида гап кетганида ҳамма чин кўнгилдан «бизнинг Ғуломжон» дейди. «Бизнинг Ғуломжон». Оддийгина шу ибора заминида унга нисбатан катта ҳурмат ва эъзоз жамланганини сезиш қийин эмас. Аёнки, меҳнатда шахсий ибрат кўрсатиш, ташаббускорлик, бошқаларга меҳрибонлик қилиш туфайлигина коллектив ҳурматини қозониш мумкин...

У меҳнат фаолиятини бундан 28 йил аввал шу ерда бошлади. Темирчилик ҳунарини ўрганди. Касб сирларини пухта ўзлаштиргандан кейин ёшларга мураббийлик қилди.

Бирлашма коммунистлари, аниқроғи, у ишлаётган 3-темирчилик-пресслаш цехи коммунистлари Ғулом Холматовнинг меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилигини назарда тутиб, уни 1961 йил июнли Коммунистик партия сафига қабул қилишди. Цех коммунистлари Ғ. Холматовни ўнинчи бор сурункасига цех партия ташкилотининг секретари қилиб сайлаб келмоқда. Бу тасодифий ҳол эмас. Унинг коллектив ҳурматини қозонишини ҳамкасблари-дан Вера Романовская шундай изоҳлайди:

— Аввало софдил ва принципиаллиги, доимо қийин участкага, ўзининг билим ва тажрибаси керак бўлган жойга интилиши, меҳрибон ва сахий қалб эгаси эканлиги унга обрў келтирмоқда.

Ғ. Холматов узоқ йиллар ҳалол ва самарали меҳнатлари эвазига корхонада ҳурмат-эътибор топган, эъзозланаётган ишчилардан. Бу фикримизни унинг кўксида порлаб турган Ҳурмат белгиси, Меҳнат Қизил Байроқ, III Даражали меҳнат шуҳрати орденлари ҳам, шубҳасиз тасдиқлайди.

Ҳозир Ғулом Холматов бригадага бош. Унинг бригадаси меҳнат календарида 1986 йил очилган.

— Бундай муваффақиятга қандай эришилмоқда? Бунинг бирор сири борми?

— Сири виждон ва интизомда, —дейди у. — Ҳар ким ўз ишига сидқидилдан ёндошса, улкан марраларни эгаллаши шубҳасиз. Биз бригада аъзолари билан маслаҳатлашиб, беш йиллик бошида «Бир сменада — уч норма» шиорига амал қилиб ишлашга қарор қилдик.

Ҳаққиқатан ҳам Ғулом Холматов бошлиқ бригада коллективи кунлик иш нормасини 250— 280 процентдан ортиқ бажармоқда. Ҳаттоки, кунлик кўрсаткични айрим ойларда 200 процентга етказишяпти. Бу эса ҳар ойда пландагидан ташқари 20—30 тоннадан қуйма тайёрлашга имкон бермоқда. Бу кўрсаткич бригада ишчилари учун чегара эмас.

Коллектив аҳли улуғвор беш йилликнинг тўртинчи йилини ҳам зарбдорчасига бошлашган эди. КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини коллектив юксак активлик билан бажармоқда. Натижа чакки эмас. Йилнинг биринчи квартали планлари белгиланганидан ортиқчасига уддаланди. Шу кунларда илғор коллектив партиянинг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процентга камайтириш ҳақидаги кўрсатмасига амал қилиб иш юритмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларида бу бригада меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1,5 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 1 процентга камайтиришга эришажакларини қайд қилишган.

Хўш, бунинг учун бригадада қандай резервлар бор? Бу ҳақда бригада етакчиси Ғ. Холматов шундай дейди:

— Аввало, бригадамизда мустаҳкам меҳнат интизоми муҳити яратилган. Бу, сир эмаски, ишчиларнинг ҳамжиҳатлик билан, ҳар бир ишчи минутини қадрлаб, ускуналардан оқилона ва унумли фойдаланиб меҳнат қилиш имконини беради. Ўз касбларини пухта эгаллаб бой тажриба тўплаган В. Романовская, В. Жуков каби ишчиларимиз эса ишлаб чиқаришга янги, самарали иш методларини жорий этиб, коллектив ютуғига салмоқли улуш қўшиб келмоқдалар. Коллективимизнинг барча аъзолари коммунист эканлигини унутмаслигимиз керак. Демак, биздан талаб ҳам ўзгача. Коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга лойиқ эканлигимизни исботлаш учун албатта, белгиланган марраларни забт этишимиз лозим.

Н. БОБОЖОНОВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.



Коммунистик меҳнат зарбдори Татьяна Кардаш «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам ишчилари сафида 20 йилдан бери фидокорлик кўрсатиб келмоқда. Меҳнат илғори айни пайтда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширяпти.

СУРАТДА: Т. Кардаш.

М. Нуриддинов фотоси.

* * *



Коммунист ишчи, Қизил Юлдуз ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Иван Иванович Алёшин 1936 йилдан бери Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводида меҳнат қилиб келмоқда. Асбобсозлик цехининг мастери ўлчаш асбоблари ремонти бўйича слесарлик касбини муваффақият билан бажаряпти. Фидокор ишчи касб бўйича тажриба мактабини ўз бобоси Герасим Захарович Алёшин қўли остида ўтади. Иван Иванович Улуғ Ватан урушининг ветерани. Олти йил олдин пенсияга чиқишига қарамасдан қадрдон коллективда илғорлар қатори тер тўкиб келяпти.

СУРАТДА: И. Алёшин ўз набираси билан.

В. Казанцев фотоси. [ЎзТАГ].

Редакцияга хат йўллаган оқшомхонлар ўз хизмат бурчига лоқайд қараётган баъзи савдо ва шаҳар ободончилиги, шунингдек, водопроводларга авария хизмати кўрсатиш, электр тармоқлари корхонаси ишларидаги нуқсонлар ҳақида ёзишган.

Қуйида ана шу хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Уч дўкон ўртасида

Мабодо йўлингиз тушиб Октябрь районидаги «Марказ—13» кварталига бориб қолсангиз бу ерда тўрхалталарини шишага тўлдириб олиб чопиб юрган кишиларни кўриб ажабланманг. Бу ерда аҳвол доим шундай. Кварталда бирданига 3 та шиша қабул қилиш пункти бўлишига қарамай, уларнинг бирортаси ёлчитиб ишламайди. Уларнинг бири, Абай кўчасида жойлашган бўлса, бири эски Лабзак кўчада, учинчиси ундан ҳам узоқ. Одамлар шишаларини жаранглатиб уч магазин орасида сарсон юришаверади.

М. МЎМИНОВА,
«Марказ—13», 26-уй, 61-квартира.

Аразми ёки тама?

Кўчамизда уч ҳафталик ахлат уюлиб қолган. Чиқиндини туппа-тузук ташиб юрган 11—03 номерли машина ҳайдовчиси эса «тозалик-соғлиқнинг гарови» деб хиргойи қилиб бошқа кўчаларни гуллатиб юрибди. Чунки бу чаққон ҳайдовчи ва унинг шериги ишини назорат қилувчи кимса йўқ.

Маҳалладошларимнинг айтишича, улар биздан аразлаб юришганмиш. Лекин бу ярашмаган араз сабаби маълум эмас. Эҳтимол бу араз эмас, тамадир!

Н. ҲИДОЯТОВА,
Ал-Хоразмий кўчаси, 19-уй.

Гап кўп, наф йўқ

Шу иссиқ кунларда биз чивинлардан жуда безор бўлдик. Уйимиз ертўласида сув тўпланиб қолгани учунми ёки бошқа сабабми хонадонимизда чивин кўпайиб кетган. Ҳар замонда қандайдир халат кийган аёллар келиб подъездларимизга супурги уриб кетишади. Бу уларнинг тилида дезинфекция эмиш. Хуллас, гап кўп, лекин наф йўқ.

Бизга ким ёрдам бериши керак!

Т. ТОЖИХОНОВ,
пенсионер. Юнусобод А-4 массиви. 6-уй, 5-квартира.

«Тузатамиз» деб кетишди...

Бундан 4—5 йил муқаддам 1-шаҳар касалхонаси томон сув ўтказилган катта қувурга махсус қувурча уланиб, Октябрь районидаги Оренбург кўчасига туташган «Учқун» ва «Обод» маҳаллалари, яъни 500 га яқин хонадон, «Металл идишлар» заводининг 3 та цехи, 2 та мактаб, 23-боғча сув танқислигидан халос қилинди. Бу хайрли тадбир мазкур территория аҳолисини ғоят мамнун этди. Лекин мингларча кишиларни сув билан таъминлаб турган ўша қувур зангланган жойидан ёрилиб, ҳозир жуда кўп сув исроф бўлиб, отилиб ётибди. Икки ҳафтадан бери теварак-атрофни ивитиб, ўйдим-чуқур қилиб бораётган сув ён-веридаги «Марказ— 26» кварталига қарашли 35- ва бошқа уйлар учун ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Аҳолининг мурожаатига мувофиқ яқинда Октябрь район водопроводларга авария хизмати кўрсатиш ходимлари келиб «тўғрилаймиз», «тузатамиз» дейишди, қувурдан чиқаётган сувни бир оз томоша қилишди, ўзаро нималарнидир маслаҳатлашишди ва жўнаб кетишди. Шу бўйича улардан дарак бўлмади. Сув ҳамон отилиб ётибди.

Аҳвол шу зайлда давом этса, 3—4 кундан сўнг қувур тамомила ёрилиб, юқорида айтилган маҳаллаларнинг аҳолиси, завод цехлари ва боғчалар сувсиз қолиши турган гап.

Аҳоли номидан А. САТТОРОВ
врач.
С. ТОҲИРОВ,
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

РЕДАКЦИЯДАН: Аҳолининг талаб-эҳтиёжига етарли эътибор бермаётган шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси, шаҳар электр тармоқлари корхонаси, «Водоканал» тресте ҳамда Октябрь районі райпишчеторги раҳбарлари юқоридаги нуқсонларни зудлик билан бартараф этишади деб умид қиламиз. Кўрилган конкрет чоралар ҳақида эса улардан аниқ ва батафсил жавоб кутамиз!

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«ПЛАКАТЛАРДАГИ ТАРИХ»

БУДАПЕШТ. Шу кунларда Венгрия пойтахтида «Плакатлардаги тарих» мавзуида ихтисослашган кўргазма зўр муваффақият билан намойиш қилинмоқда. Кўргазма Польша қайта тикланганлигининг 40 йиллигига бағишланган Польшанинг етакчи рассомлари яратган юздан ортиқ плакат ПХРда социалистик қурилиш босқичлари, халқ ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакатда рўй берган жуда катта иқтисодий ва социал ўзгартиришлар тўғрисида ҳикоя қилади. Кўргазманинг махсус бўлими томошабинларни поляк халқининг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ядро ҳалокати хавфини тугатиш учун олиб бораётган кураши билан, ПХР корхоналарининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик Иқтисодий Интеграциясида иштироки билан таништиради.

Ҳиндистонда рўй берган табиий офат натижасида бир неча кун давомида йилнинг ўртача миқдорига тенг келадиган даражада ёмғир ёғди. Ҳиндистон пойтахтида ҳам қаттиқ жала ёғди.

СУРАТДА: муссон ёмғирларидан сўнг Деҳли кўчаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

АСОСИЙ ЮК ТАШИШ ЙЎЛИ

СОФИЯ. Болгар ва Совет порт ишчилари билан темирйўлчиларнинг аҳиллик билан ишлаши натижасида Варна-Ильичевск паром кечуви кемаларига юк ортиш ва уларнинг юкини тушириб олиш вақти тўрт соат қисқартирилди. Юк ортиш-туширишнинг мураккаб жараёнини бошқарувчи ягона диспетчерлик сменалари ташкил қилинди. Кейинги вақтларда кўпгина серменҳат операциялар автоматлаштирилди.

Ҳозир иккала мамлакат портларининг меҳнатчилари қизғин иш билан машғулдирлар. Варнага саноат корхоналари учун асбоб-ускуна келтираётган паромларга янги сабзавот ва мевалар графикдан илдамроқ жойланмоқда. Бу маҳсулотлар дўстлик кўприги орқали Совет Иттифоқининг турли шаҳарларига етказиб берилмоқда.

Паром кечуви қисқа муддат ичида БХР билан СССР ўртасида юк ташиладиган асосий йўл бўлиб қолди. Ҳамма юкларнинг 60 процентга яқини шу йўлда ташилмоқда. 1984 йилда паром-кемаларнинг экипажлари 3,5 миллион тоннадан кўпроқ ҳар хил юкларни ташиш ва кемаларнинг айланма рейслари вақтини аста-секин қисқартириш мажбуриятини олдилар.

ГРАФИКДАН ЎЗИБ

ХАНОЙ. ВСРнинг энг катта кўмир шахталаридан бири Мокхе коллективи графикдан анча ўзиб меҳнат қилмоқда. Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган бу шахта кончилари ҳар куни пландан ташқари қазиб чиқараётган 50—100 тонна кўмир Уонгби ва Фалай иссиқлик электр станцияларига юборилмоқда. Шахтёрлар ўзларининг меҳнатдаги ютуқларини Вьетнам касаба союзлари ташкил этилган куннинг яқинлашиб келаётган 55 йиллигига бағишламоқдалар.



ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

«Она-бола» саёҳатда. (Швейцариянинг Базель шаҳри ҳайвонот боғида).

Кейстон —ТАСС фотоси.

ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

ГАВАНА. Куба пойтахти яқинида жойлашган «Гавана— Дель—Эсте» иссиқлик электр станцияси қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу электр станция Кубада энг катта шундай станция бўлади. Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан барпо этилаётган ана шу ғоят муҳим объектда бугунги кунгача жами иш ҳажмининг деярли ярми бажарилди.

Совет ва Куба мутахассислари биргаликда ишлаб чиққан лойиҳанинг асосий хусусиятларидан бири — иссиқлик электр станциясининг дастлабки навбатлари ишга туширилганидан кейин унинг қувватини янада кўпайтириш имконияти мавжудлигидир. Лойиҳачилар Озодлик оролининг электр энергияга бўлган ва тез ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжини ҳисобга олиб, келгусида станциянинг қувватини 1,3-1,4 минг мегаваттга етказиш учун бир неча энергетика блокларини қуришни кўзда тутганлар.

Яширин фабрика тугатилди

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон полицияси Мадхья-Прадеш штатидаги Гвалиор шаҳрида ўтказган махсус операция чоғида қурол-яроқ ишлаб чиқараётган иккита яширин фабрикани тугатди. Бир неча ўнлаб автомат, карабин, пистолет, шундай қуролларнинг кўп миқдорда ўқ-дорилари, отиш қуролининг жуда кўп деталлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган машина-ускуналар қўлга олинди. Маҳаллий матбуотнинг уқтириб ўтишича, бу фабрикалар Ҳиндистоннинг баъзи районларида иш кўрган ўта ўнг террорчилик ташкилотларини ўзларининг ажал маҳсулотлари билан таъминлаб келганлар.

АҚШ. Лос-Анжелесдаги ишчи кучларини ёллаш бюроси олди доимо навбат кутувчилар билан гавжум бўлади. Агар мана шу навбатда турганлардан бирортаси иш топиш бахтига муяссар бўлса, бу шаҳарда яшовчи 40 минг ишсиз учун денгиздан бир томчи ҳисобланади.

АДН—ТАСС фотоси.

Махсус вагонлар

БЕРЛИН. Дрезден округининг Ниски шаҳридаги машинасозлик корхонасида қорамтир кўмир ва шундай кўмир чангини ташиш учун мўлжалланган махсус вагонларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бундай вагонларнинг дастлабки намуналаридан ГДРнинг кўмир очиқ усулда қазиб олинадиган конларида ҳозирнинг ўзидаёқ муваффақиятли фойдаланмоқда.

1950 йилдан бери юк вагонлари ва махсус вагонлар ишлаб чиқариш учун ихтисослашаётган корхоналарда юк ташийдиган ҳаракатдаги составнинг 100дан кўпроқ типи яратилди ва қурилди. Ана шу корхонада ишлаб чиқарилган вагонлар жаҳоннинг 20дан зиёд мамлакати темир йўлларида фойдаланилмоқда.

ТАРКИБИЙ ҚИСМ

Антананариву. Антананариву халқ кенгаши Малагасия пойтахтидаги коммунал хўжалигини модернизациялаш программасини қабул қилди. Бу ҳужжат— шаҳарни реконструкция қилиш юзасидан ҳозирги вақтда амалга оширалаётган бош планнинг таркибий қисмидир.

Антананариву халқ кенгашининг раиси Рахантавулулуна Андриамандзату ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: кейинги йилларда шаҳар жуда кенгайди. 60-йилларда бу ерда 350 минг киши яшаган бўлса, ҳозир аҳоли сони 800 минг кишига етди. Турар жой биноларининг бир қисми пастликда жойлашган. Шу боисдан ёғингарчилик мавсумида бу районлар баъзан сув тошқинидан зарар кўради. Планда ўша районларда дренаж ишларини олиб бориш кўзда тутилади.

Пойтахтнинг бир қанча олис районларини сув билан таъминлашни, кўчаларни тозалаш ва уларни ёритишни жиддий равишда яхшилаш, йўл ҳаракатини ташкил этиш ҳам белгилаб қўйилди.

ТУРИЗМ ТОБОРА РИВОЖ ТОПМОҚДА

БРАТИСЛАВА. Словакияда июль ойи —актив ёзги туризм даври ҳисобланади. Республика территориясида янги меҳмонхоналар, кемпинглар ва туристик базалар қурилаётганлиги туфайли туризм тобора ривож топмоқда. 1975 йилга нисбатан жонажон ўлка бўйлаб саёҳат қилувчи туристлар ҳозирги вақтда қарийб 30 процент кўпайди. Актив ҳордиқ чиқариш ихлосмандларининг жуда кўпчилиги маҳаллий туризм бюроси уюштирган қисқа муддатли сафарларга чиқмоқдалар. Чет эл туристик маршрутлари орасида Совет Иттифоқи бўйлаб қилинадиган сафарлар кўпчиликка айниқса манзур бўлмоқда. Шарқий Словакия областининг аҳолиси автобусларда Ужгородга ва совет Закарпатьесининг бошқа шаҳарларига қисқа муддатли экскурсияларга бормоқдалар.

ФОТОЛУҚМА

Чироқми ёки сўроқ?

Қизиқ бир китобни ўқиётганингизда ёки «зангори экран»да ғаройиб фильмни томоша қилаётганингизда бирдан.. чироқ ўчиб қолса, дарров ўзингизга-ўзингиз илтижо қилишга тушасиз:

— Эҳ, зўр жойига келувдима, эҳ, тезроқ ёна қолсайдия... ва ҳоказо.

Аксига олиб чироқ ёнмайди. Сиз ёлбора-ёлбора нохуш кайфиятда ухлаб қолганингизни ҳам билмай қоласиз. Бу пайтда сизнинг линиянгизга тегишли электрик ёки монтёр қайси бир тўйда сархушгина ўтирган бўлади.

Кўчадаги чироқлар учун эса ким илтижо қилади! Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, ўз номига яраша хушманзара, сердарахт масканда жойлашган. Шаҳримизга қадам ранжида қилган меҳмонлар энг аввало шу ерга ташриф буюришади. Республикамиз меҳнаткашлари эришган ютуқлар, маданий ҳаёт уларни қизиқтирмай қўймайди. Шунинг учун. бу ерга келишади.

Бироқ...

Ана шундай обрўли даргоҳнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш павильонларига Анҳор кўпригидан ўтиб борарkансиз... йўлнинг ўнг ва чап томонида беллари мана бу суратдагидек ҳалқа-ҳалқа букчайиб турган чироқларга дуч келасиз. Булар ўз номи билан манзарали чироқлар дейилади. Йўлнинг икки четида 16 та ана шундай чироқ ўрнатилган. Уларнинг саккизтаси ҳозир сўроқ шаклига кириб қолган. Бу сўроқларга балки шаҳар кўчаларини ёритиш идораси раҳбарлари жавоб беришар!

С. САЛОҲИДДИНОВ.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Шаҳримизнинг Луначарский шоссесида марказий «Оптика» магазинининг 139-салони очилди. Салонда болалар, астигматика бўлимлари, шунингдек бу ерга келувчиларга керакли кўзойнакни танлашда ёрдам берадиган врач кабинети бор.

СУРАТЛАРДА: марказий салоннинг умумий кўриниши, сотувчи Людмила Боброва харидорга буюм танлашга ёрдамлашмоқда.

А. Абалян фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ЯНГИ РУБРИКА: *Газетхон қўйган муаммо*

ВРАЧ ОБРЎСИ

БУГУН шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қириш имтиҳонлари бошланди. Республиканинг барча бурчакларидан врачлик, педагоглик, инженер ва химик-биолог ва бошқа касбларни эгаллашни кўнглига тукқан кўплаб абитуриентлар имтиҳон топширишаяпти. Агар улар бу касбларни онгли равишда, ўз билимларини чуқур ўйлаб танлашган бўлса, етарли билимларга эга бўлсалар уларга оқ йўл деймиз! Аммо, афсуски ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Баъзан мактабни эндигина битирган ёшлар айрим касбларнинг юксак жаранглашига эътибор берадилар-да: «Врач — бу фахрли касб!» дейдилар. Сўнгра улар студентлик билетини ҳам оладилар. Лекин яхши мутахассис бўлиб етишмайдилар. Ваҳоланки, келажакнинг мутахассислари ўзининг қомусий илми, етук дунёқараши, юксак тафаккур маданияти билан ажралиб туриши лозим. Ана шулар ҳақидаги, яхши мутахассис бўлиб етишиш лозимлиги ҳақидаги суҳбатни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Шу кунларда олий ўқув юртларини битириб чиқаётган студентларни, шифокор бўлишни дил-дилидан истаб институтларга қадам қўяётган абитуриентларни кўрганда бехиҳтиёр Октябрь авлоди бошлаб берган меҳнат эстафетасини давом эттирувчиларнинг келажаги ҳақида ўйлаб қоламиз. Октябрь авлоди асос солган ишларни дастлабки беш йилликларнинг авлодлари давом эттиришди, унинг самаралари Улуғ Ватан уруши йилларида душмандан муҳофаза қилинди... Бугунги битирувчилар қандай ишлаб, қандай меҳнат қиладилар, врачлик бурчини қандай адо этадилар? Партия ва ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари олдига қўйилган вазифаларни қандай ҳал этадилар?

Бу унчалик оддий савол эмас. Бугунги кунда медицина ходимларининг одамлар олдидаги профессионал бурчи масаласи жуда жиддий масала бўлиб қолмоқда. Шунингдек, медик ходимларнинг маънавий-этик проблемаларига талабларнинг ошиб боришининг ўзига хос маъноларн бор. Улардан энг асосийси — медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштиришдир. У энг аввало шифокорнинг касб маҳоратига, медицина ёрдамига муҳтож бўлган ҳар бир кишига самимий муносабатига, тажрибасига боғлиқ. «Агар бемор врач суҳбатидан кейин енгил тортмаса, у врач эмас», деган эди В. М. Бехтерев.

Қўрқиш, даҳшатга тушиш сингари салбий ҳаяжонларга барҳам бериш, касалнинг нохуш кайфиятини тетикликкка ва тузалишга ишонч ҳисси билан алмаштиришга эришиш — беморни даволашдаги муваффақият гаровидир. Ҳар бир шифокор ана шундай маҳоратга эга бўлиши лозим. Зотан, шифокорлик касби уни бу юксак номга муносиб, юксак маданиятли, камтар, ўзини тута биладиган, ахлоқий соф, фидойи инсон бўлишни тақозо этади. Буларни биз ўз студентларимизга институтда ўқиган йиллари мобайнида доимо эслатиб борамиз ва бу ҳақда уларга диплом топширәётганда ҳам алоҳида таъкидлаймиз.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ташкил этилгандан буён ўтган давр ичида биз 7 минтга яқин малакали педиатрлар тайёрладик. Бу йил яна 810 битирувчига дипломлар топширилди. Улар Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистон ва Сибирь шифохоналари ҳамда поликлиникаларида меҳнат қиладилар. Институтимиз профессор ва ўқитувчилари студентларнинг ўз касбининг яхши мутахассислари бўлиб етишишлари учун кўп жон куйдирдилар. Ҳозирги замон врачи беморнинг дардига даво топиши учун ўз билимини мунтазам равишда бойитиб ва такомиллаштириб бориши зарур.

Олий мактабдаги кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, фақат лекцияларга, семинар ва амалий машғулотларга вақтида ва системали қатнашиб боришнинг ўзи юксак малакали мутахассис бўлишга етарли эмас. Профессор ва ўқитувчилар қандай илмий ва педагогик потенциалга эга бўлишларидан қатъий назар, ҳаётдаги барча ҳодисаларга қарши курашиш билими билан қуроллантириб кўя олмайдилар. Бунинг устига қайси ҳолда қандай билимни қўллаш кераклигини айтиб беришга қодир эмасмиз, чунки ҳаётда юз бераётган ҳодисалар инструкцияларда талқин этилмаган, уларда шундай ҳолларда қандай ҳарақат қилиш лозимлиги кўрсатиб берилмаган. Мана бир мисол. Бола оғриб қолди. Ҳарорати жуда юқори. Участка педиатрини чақиришди. У беморда стафилоккок инфекцияси бор, деган гумон билан шу касалликни даволаш учун керак бўлган муолажани белгилади. Аммо бу муолажа фойда бермади. Боланинг аҳволи ёмонлашиб, у тезлик билан болалар клиникасига ётқизилди. Унинг ўпкаси шамоллаган экан. Касалхонанинг ўзидаёқ врачлар буни аниқлашди. Яхшиямки, педиатрнинг касалликни белгилашдаги хатоси ёмон оқибатларга бориб етмади ва бола соғая бошлади. Ваҳоланки, бошқача ҳам бўлиши мумкин эди...

Синчковлик ва кузатувчанлик ҳар қандай ихтисосдаги шифокорнинг шахсий хислатларининг ажралмас қисмидир. У касални текшираётганда ва у билан суҳбатлашаётганда лоқайдлик шифокор учун кечирилмайдиган ҳолдир.

Баъзан шундай ҳам бўладики, бемор билан суҳбатлашаётганда турли қоғозларга имзо чекадиган ёки амбулатория картасини ўрганишга киришиб кетиб беморга кўпдан-кўп ортиқча саволлар берадиган врачлар ҳам учраб туради. Бу шифокорнинг ўзига нисбатан шубҳа туғдиради, обрўсини туширади.

Кейинги пайтларда медикларнинг лоқайдлиги ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Нина Григорьевна Тоболина қандли диабет, атеросклероз ва астмадан азият чеккан ўтган отасини шифохонага ётқизаётганида 17-шаҳар касалхонасининг навбатчи врачи Шорасул Шоабдукаримов ҳатто беморни кўрмасданоқ «Тез ёрдам» врачига: «Нега бу хроник касални шифохонамизга олиб келасиз», деб бақириб берганлигини айтди.

Беморни эшитиб кўриш, шикоятларига қулоқ солиш ва хулоса чиқариш шифокор учун шунчалик қийинмиди?! Тажриба, касбимизнинг инсонпарварлиги — бундай ҳолни инкор этади. Врач ҳар доим ўзига талабчан ва беморга меҳрибон бўлиши керак.

Врачнинг кундалик меҳнат фаолияти тўла ва бутунлай «Мен — сен»дангина иборат бўлиб қолмай, балки «Мен—биз» йўсинидаги муносабатлардан таркиб топади. Яъни врач ўзи даволаётган бемор олдида ҳам, жамият олдида ҳам жавобгардир. Унинг жамият олдидаги жавобгарлиги ўзганинг дардига шерик бўлиш, одамларга ёрдам беришга, ҳар қандай шароитда босиқ бўлишга интилиш билан ифодаланади. Олий ўқув юртини битирганлиги ҳақидаги дипломни чўнтакка солиб олиб, энг сўнгги мода кийиниб, баландпарвоз гап-сўзларни ваъз қилишига қарамай, риёкор, тарбиясиз шахс бўлиб қолиши ҳам мумкин. Жоиз бўлса худди шундай мутахассислар беморни шифохонага ётқизаётганда, ноёб дори-дармонларни сотаётганда пора олишмоқда. Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг пленумида ўз хизмат вазифаларини шахсий манфаати учун суиистеъмол қилганлар орасида Октябрь район санитария-эпедимиология станцияси бўлим мудири К. Аюпов, 13-шаҳар касалхонаси хирурги Рустамов, 11-туғруқхона акушери Кандилетя номи тилга олинди. Бундай фактлар одамни жуда ажаблантиради.

Маънавий-ахлоқий хатоликларга йўл қўйиш, айниқса шифокорлар учун кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда ана шундай нуқсонларга барҳам бериш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Бурчни сидқидилдан бажариш, фақат жавобгарликни чуқур ҳис қилиш билан бирга, беморга эътибор ва меҳрибонлик билан қарашни, шунингдек ўзининг медицина соҳасидаги билимларини ва даволаш тажрибаларини муттасил такомиллаштириб, медицина фани эришган янги ютуқларни билишни тақазо этади. Бу ўз-ўзидан равшан. Бемор: «Нега ҳам бу врачга ёрдам сўраб бордим, у барибир этазол ичишни тавсия этади» демаслиги учун врач шундай қилиши керак. Фақат биоллетень олиш учун мурожаат қилишса-чи. Бундай врачларга дуч келганимда мен ҳамиша профессор, ТошМИ кафедра мудири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг бир неча чақириқ депутати Ольга Николаевна Павлованн эслайман. Ҳамма шу кишида даволанишни истарди. Қабулда фақат ана шу профессорга ёзилишга уринишарди беморлар. Айни пайтда у шунчалик банд бўлишига қарамай, ҳеч кимдан ўз ёрдамини дариғ тутмасди, чунки унинг қалби доимо меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим эди. Бу муҳаббат эса, унинг ўз касбига нисбатан чинакам меҳр-муҳаббатинигина эмас, балки унинг ана шу касбга бўлган истеъдодининг ифодаси ҳам эди. Профессор бўлгунга қадар у санитарка, ҳамшира, ординатор, ассистент ва доцент вазифаларини бажарган.

Мен, мактабларни битириб ўзини медицинага бағишламоқчи бўлган ёшлар медицина билим юрти ёки институтга киришдан олдин бир-икки йил даволаш муассасаларида санитар бўлиб ишлашлари маъқул, деб ўйлайман. Бу эса, медицина таълимини олишга ҳуқуқ берадиган ўзига хос имтиҳон бўларди. Ана шунда бизнинг шифохона ва поликлиникаларимиздаги «тасодифий» кишилар камайган бўларди. Бугунги куннинг талаби шундай: агар сен диплом олган бўлсанг, яхши мутахассис бўлишинг шарт.

Институтимиз профессор ва ўқитувчилари бўлғуси врачлар ўқиш даврида мутахассисликлари бўйича чуқур билим олишлари билан бирга, етарли амалий тажрибага эга бўлишлари учун жон куйдирмоқдалар. Ана шу мақсадда студентларнинг даволаш муассасаларидаги навбатчиликларн ташкил этилган. Биринчи ва иккинчи курс студентлари ойига икки марта клиникалар ва касалхоналарда санитар сифатида навбатчилик қиладилар, учинчи ва тўртинчи курс студентлари эса медицина ҳамширалари бўлиб ишлайдилар, бешинчи-олтинчи курс студентлари эса навбатчи врачларга ёрдамчи бўладилар. 1980—1981 ўқув йилидан бошлаб субординаторлар (олтинчи курс студентлари) «Тез ёрдам» станцияларида навбатчилик қилишмоқда. Юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида биз битирувчиларни бевосита клиникаларда беморлар палатасида дастлабки аттестациядан ўтказишни йўлга қўйдик. Агар студент зарур билимга эга эмаслиги маълум бўлиб қолса, у давлат имтиҳонларига қўйилмайди.

Врач етук мутахассис бўлиши керак, бу унинг вазифасидир. У ўртамиёна шифокор бўлишга ҳаққи йўқ. Бизнинг касбимиз ўта муҳим масъулият билан боғлиқ. Ахир врачга энг қимматли нарса — инсон саломатлиги ва унинг ҳаёти ишонib топширилади. Зарур билимлари етишмаса ва бунинг устига унда самимийлик, ҳушёрлик, масъулият ҳисси бўлмаса, ўз билимларини мунтазам бойитиб боришга интилмаса, бундай шифокорнинг ҳаракатлари хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сиртдан қараганда касалликни аниқлаш ва уни даволаш осонгина туюлиши мумкин. Аслида эса бу жуда мураккаб иш бўлиб, врачдан катта билим, тажриба ва сабот талаб этади. Ижрик шифокор олимлар уқтирганидек, яхши врач бўлиш учун беморни кузатиш, кузатиш ва яна кузатиш лозим.

Коммунистик партия ва Совет давлати инсон саломатлигига ғамхўрликни биринчи даражали, муҳим аҳамиятга молик, умумхалқ иши деб қарамоқда. Бу, шифокорларни янги ижодий ва меҳнат ютуқларини қўлга киритишга ундамоқда. Улар Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида ўз касб ва хизмат бурчини бажаришга бўлган масъулиятини оширишга, сифатли ва юксак маданий медицина хизмати кўрсатишга, Совет Иттифоқи врачи қасамёдини бузиш ҳолларига муросасиз бўлишга, беморга бепарво ва эътиборсиз муносабатда бўлишга барҳам беришга даъват этилганлар. Шаҳардаги ҳар бир даволаш-профилактика муассасасида медицина кадрлари тайёрлашга эътиборни кучайтириш, уларнинг кундалик кучғайратларини соғлиқни сақлашда янги ютуқларни қўлга киритиш, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга сафарбар этиш билан бунга эришиш мумкин.

В. МАЖИДОВ,
Ўрта Осиё медицина педиатрия институти ректори, медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ДОНОЛАР ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА

Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир.

ГИППОКРАТ.

●

Врачлик касби — жасорат, бу касб фидойиликни, қалб ва фикр софлигини талаб қилади.

А. П. ЧЕХОВ.

●

Ўз беморини даволашга киришган шифокор бу ишни назокат ва очиқ чеҳра билан беморга хуш келадиган тарзда амалга ошириши керак. Бадковоқ шифокор ўз касбида ҳеч қачон барака топмайди.

М. МОНТЕНЬ.

●

Қалбни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди.

СУҚРОТ.

●

Врачнинг очиқ чеҳраси беморнинг соғаш бошлашн демакдир.

Ф. РОҲАС.

●

Афтидан, врачларнинг бутун мўъжизалари, уларнинг беморларга нисбатан диққат-эътиборларининг кучлилигидадир. Ана шу куч туфайли шоирлар табиатга жон бахш этишса, врачлар беморларни оёққа турғизишади.

М. ПРИШВИН.

●

Психотерапиясиз этик ямаш ёки ўсимликларни пайванд қилиш мумкин, аммо инсон организмидай таъсирчан нарсани даволаб бўлмайди.

Э. ЦИГЕН.

●

Яхши табиб маълум дардларнинг давосини биладиган, агар ўзига номаълум касаллик бўлса, беморга ёрдами тегадиганларни чақирадиган кишидир.

Ж. ЛАБРЮЙЕР.

●

Чаласавод врачлар одатда сершубҳа бўлишади.

Э. ФЕЙХТЕРСЛЕБЕН.

●

Руҳ ила таннинг бир-бирига ўзаро таъсиридан хабардор бўлганим учун танага шифо бўладиган руҳий малҳамлар мавжудлигини айтиб ўтмоқни бурчим, деб ҳисоблайман.

М. Я. МУДРОВ.

●

Врачнинг бир оғизгина тасаллиси беморга нақадар шифобахш таъсир кўрсатишини ва аксинча, ишонтиришнинг нечоғли қудратга эга эканлигини билмайдиган ёки билишни истамайдиган врачнинг совуқ ва аёвсиз ҳукми беморни баъзан ажал домига олиб бориб қўйишини ҳамма билади.

В. М. БЕХТЕРЕВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз ўзимизни яхши ҳис этиб юрганда, яқин кишиларимизнинг ҳам соғлиғи жойида бўлганда врачлар ҳақида жуда кам ўйлаймиз. Бизнинг уйимизда ёки яқинларимиз, дўст ва ўртоқларимиз уйида бирон нохушлик бўлиб қолса, шифокорлардан ишонч билан ёрдам кутамиз, уларнинг маслаҳатига, дори-дармонларига эҳтиёж сезамиз. Улар ўзига боғлиқ барча ишларни бажариб, ўз ёрдамини аямаганда кўнглимиз илиқ бир меҳр билан тўлиб-тошади, бехиҳтиёр «раҳмат, доктор» деймиз. Бу икки сўзда бизнинг барча оқ халатли кишиларга юксак профессионал маҳорати учун, ҳар қандай пайтда ёрдам беришга тайёр турганлиги, эзгу меҳр-муҳаббати, касалликни тўғри белгилай олиш ва энг мақбул даволаш курсини тайин эта олишига чуқур муҳаббатимиз ифода этилган.

Редакциямизга келаётган хатларга назар солганда, шаҳримиз шифокорлари инсон саломатлигини сақлаш учун қанчалик жон куйдираётганликлари, кўпгина жиддий касалликларнинг олдини олаётганликларининг шоҳиди бўламиз. Баъзи хатларда эса, беморларга нисбатан лоқайд муносабатда бўлаётган фактларга дуч келамиз. Тўғри диагноз қўя олмайдиган, беморларни тинглаш ва эшитишни истамаётган, баъзида эса «Тез ёрдам» станцияларининг қўпол диспетчерлари, айрим медицина ходимларининг: «Сиз менинг касалим эмассиз» қабилидаги сансалорлигига дуч келамиз.

Юнусободдаги болалар поликлиникаси филиалининг участка врачи Жамолова В. Филимонованинг амбулатория картасидан кўчирма беришда сансалорликка йўл қўйгач, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина-санитария қисми врачи Д. О. Сердинбаева эса бемор Н. Туропов унга юқори қон босими ва шамоллаши муносабати билан ёрдам сўраб мурожаат этганда асоссиз равишда уни Рапопорт (ичган-ичмаганлигини аниқлаш) пробаси олиш учун текширишга юборади. «Тез ёрдам» хизмати эса юқори ҳароратда қийналаётган Мўминовларнинг фарзандини кўриш учун тўрт соатдан кейин келган.

И. Могилко Каблуков кўчасидаги травматология ва ортопедия институти консультация поликлиникасининг рентген кабинети ходимлари эътиборсизлиги ҳақида ёзиб юборган. Улар 62 ёшли О. Камоловани умуртқаси ва бошқа аъзолари шикастланиб турган ҳолда рентгендан ўтказишдан бош тортганлар.

В. Зеленухин, У. Антропова, Наумкина, Голес, Яковлева ва бошқалар шаҳардаги дорихоналарда депрессин, нитроглицирин, витамин томизғилари, B_6 витамини, алоэ, АТФ, пешоб ҳайдовчи воситаларни топиш қийинлиги ҳақида ёзиб юборишган.

Хўш, бу ҳолларни лоқайдликдан бошқа нима деб баҳолаш мумкин!

Энг эзгу касб соҳиблари бўлган врачларни Совет Иттифоқи врачи қасамёдини бузишга нима мажбур этяпти! Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, область ва шаҳар партия комитетларининг пленумлари бугунги мутахассисларнинг олдига қандай талаблар қўймоқда! «Газетхон қўйган муаммо» номли янги рубрикамиз материалларида ана шулар ҳақида гап боради.

Шифокор касби ва обрўси ҳақидаги суҳбатда иштирок этишга биз барча газетхонларни, олимлар, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштиришдан манфаатдор бўлган барча кишиларни таклиф этамиз.

„ТО" спорт ҳафтаси

Тошкент—Олмаота шахмат матчи

„Дўстлик" матчи

ОЛМАОТА — ТОШКЕНТ



ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



25 июлда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида тошкентлик шахмат мухлисларининг навбатдаги юришлари эълон қилинган эди. Улар биринчи тахтада ф5-с5, ўзлари оқ донолар билан ўйнаётган иккинчи тахтада эса а2-а3 юришини эълон қилишган эди. Бу юришлар «Вечерняя Алма-Ата» газетасининг 25 июль сонида эълон қилинди.

Олмаоталик шахмат мухлислари ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддатдан фойдаланиб газетхонларимизнинг а2-а3 юришига Кd7-b6 билан жавоб беришди, ўзлари оқ донолар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса навбатдаги ўн иккинчи — Сg5-f4 юришини эълон қилишди.

Ҳурматли газетхонлар. Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг сд5-f4 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз! Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги ўн учинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мақбул юришларни таклиф этганларнинг исм ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Эслатиб ўтамиз: Тошкент—Олмаота сиртқи матчида «Тошкент оқшоми» томонида баҳс юритганларнинг сафи тобора кенгайиб боряпти. Бирон сабабга кўра бехабар қолганлар бемалол баҳсга қўшилишларн мумкин.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 330874, 325885, 325681 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

ШАХСИЙ НАМУНА БИЛАН

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида жисмоний тарбияни ривожлантиришга катта эътибор билан қаралмоқда. Спорт студентларга қобилият ва иродани чархлаш, чаққон ва эпчил бўлиш имконини бермоқда.

Институтда ГТО комплекси нормативларини бажариш алоҳида эътиборда. Фақат ўтган ўқув йилининг ўзида 1.065 ГТО нишондори, 1.038 оммавий разрядли спортчи, 475 жамоатчи инструктор ва судья тайёрланди. Маҳоратли спортчиларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам салмоқли бўлмоқда. Ўтган ўқув йили бу ерда 15 спорт мастерлигига кандидат, 50 биринчи разрядли спортчи тайёрланганлиги фикримизнинг далилидир.

Аввалдан белгиланган план асосида ўтказилаётган тадбирлар муваффақиятларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Институт терма командаси студентлар спорти Бутуниттифоқ мусобақаларида яхши қатнашди. Республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган биринчиликда эса бешинчи ўринни эгаллади. Беллашувларда боксчи, спорт мастери, республика терма командасининг аъзоси Х. Муҳамедов, қиличбозлик бўйича СССР спорт мастери П. Холматов, кураш бўйича спорт мастери Д. Хавасов, спорт гимнастикаси бўйича СССР спорт мастери С. Дё, волейбол бўйича СССР спорт мастери Т. Беляковалар юксак маҳорат намойиш этишди.

Шуниси диққатга сазоворки, махсус комиссия томонидан студентларнинг саломатликлари кўрикдан ўтказилиб, улар алоҳида-алоҳида группаларга биркитиб қўйилган. Машғулотлар ҳам уларнинг саломатликларига қараб олиб борилади. Бу нарса студентларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга спортнинг маълум бир турн бўйича тажриба орттиришларига ёрдам бермоқда.

Институтда турли секциялар ишлаб турибди. Бу секцияларда 400 дан зиёд студент мунтазам шуғулланмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида спортнинг 14 турн бўйича 32 турли тадбирлар амалга оширилди. Мусобақаларда 2 мингдан зиёд студент қатнашди. Бу ерда туристик юришлар бўйича норматив топшириш одат бўлиб қолган.

Қисқа қилиб айтганда, енгил саноат ва тўқимачилик институти физкультура коллективи спортни оммалаштириш, уни студентларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантириш учун лозим бўлган тадбирларни амалга оширмоқда. Уларни рўёбга чиқаришда ҳар жиҳатдан мукаммал спорт иншоотлари, зал, югуриш йўлкалари замин хизматини ўтамоқда.

Архангельск шаҳрида «Гандивик» деб номланган ҳаваскор югурувчилар клуби ташкил топибди. Клуб аъзолари ва бошқа ҳаваскор югурувчилар шаҳарнинг 400 йиллигига бағишлаб ўтказилган марафонча югуриш мусобақаларида иштирок этишди.

СУРАТДА: Шимолий Двина соҳилида марафонча югуришга старт берилмоқда.

С. Губская фотоси. ТАСС фотохроникаси.

АНЪАНАГА КЎРА

«Локомотив» кўнгилли спорт жамиятининг спорт базаларида граждан иншоотлари турар жой бошқармалари физкультура коллективларининг анъанавий спартакиадаси бошланди. Коллективлар волейбол, футбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича голибларни аниқлашади. Чемпионларга совриндан ҳақиқий маънода спорт байрами бўлган финал баҳсларида 150 дан зиёд спортчи иштирок этмоқда. Спартакиада ғолибларни аниклаш билан бирга, аҳоли турар жойларида спорт турларини оммалаштиришга, уларни ишчи ва хизматчи, ўқувчилар, кекса ёшдаги кишиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни воситасига айлантиришга ҳам катта ёрдам беради.

● КОИНОТ—84

АВГУСТ ОСМОНИНИ КУЗАТИНГ

Ёзнинг иссиқ кунларида ҳамшаҳарларимиз яхши ҳордиқ чиқариб, дала-қирлар, тоғ-адирлар, дарё ва денгизларда саёҳат қилишмоқда. Шундай пайтларда, кенг бўшлиқларда осмон юлдузларини кузатишнинг, уларнинг ҳаракатини билишнинг ўзига хос гашти бор. Хўш, август ойида осмон сайёраларида нималарни кузатиш мумкин!

Ёзнинг учинчи ойида метеор оқимлари жуда кўп бўлади. Булар — Дельта-Акварид, Кассиопеид, Персеид оқимларидир. Улар тепамиздан юлдуздек учиб ўтишади ва сўнишади. Диққат билан қаралса, соатига 5—15 километр (баъзилари ундан кўпроқ) учган метеорлар бир нуқта атрофидан чиққандек кўринади. Шу нуқтани астрономлар радиант деб аташади. Августда радиантлар Кассиопея, Персей, Кичик Айиқ туркумларида жойлашади. Ҳаваскор астрономлар метеорларнинг тезлигини, рангини, кучлилигини кузатишлари мумкин.

Сайёралардан — Зуҳра Қуёш ботгандан сўнг 15 минутларча ғарбда жамол кўрсатади. Унинг кўриниш вақти кун сайин ортиб боради. Марс ва Сатурн тунининг биринчи ярмида жанубий-ғарбда кўринади. Сатурннинг ҳалқалари дурбинда яққол кўзга ташланади. Юпитер жанубда энг ёруғ юлдуздек чарақлаб туради.

Телескоп ёки дурбин билан қуролланган ҳаваскорларга қуйидаги осмон жисмларини кузатишни тавсия қиламиз: ҳаммага маълум — Етти қароқчи юлдуз тўплами (кўзга еттита, дурбинда эса 50—100 та бўлиб кўринади), Персей юлдуз сочма тўплами, Ўқчи туркумидаги ўчқўшалоқ газ туманлиги, Лира юлдуз туркумидаги Ҳалқа туманлиги ва бошқаларни кузатиш катта завқ беради.

В. УМАРОВ,
илмий ходим, астроном.

Редактор
Ш.О.УБАИДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

1 АВГУСТ, 1984 й.

▲ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Актёрлар ва роллар

Ўзбекистон пойтахтида республикамизнинг 60 йиллигига бағишлаб Самарқанд давлат опера ва балет театри коллективининг гастроллари муваффақият билан ўтмоқда. Тошкентлик санъат мухлислари Самарқанд опера ва балет усталарининг «Шоир қалби», «Уйғониш», «Самарқанд афсонаси», «Макбет», «Майсаранинг иши» каби театр репертуаридан муносиб ўрин олган саҳна асарларини мароқ билан томоша қилишмоқда.

Театрнинг кўпгина спектакллари ва санъаткорлари республикалараро ва Бутуниттифоқ конкурсларининг мукофотлари билан тақдирланган. Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаб ушбу театрда ишлаб келаётган Дилором Ёқубова, Жумабой Аҳмедов сингари саҳна усталари Глинка номидаги Бутуниттифоқ вокалистлар конкурсининг лауреатлари бўлишган эди. Дилором Ёқубова П. Чайковский номли халқаро конкурсда ҳам иштироқ этиб, ўз санъатини намойиш этишга муваффақ бўлди. Ҳозир театрда республикада хизмат кўрсатган артистлар Б. Нуриддинов, А. Эргашев, шунингдек, И. Аваева, Л. Ольшанникова, Д. Юсупова, Г. Муҳамедова, А. Аҳмаджонов сингари актёрлар ажойиб образлар яратишмоқда.

Театр саҳнасида Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг машҳур саҳна усталари роллар ижро этишга таклиф этилиши ҳам яхши анъана бўлиб қолди. СССР халқ артистлари, СССР Большой театри солистлари Артур Эйзеж, Александр Ведерников, РСФСР халқ артисти Григорий Соколов ва Мерич Сумен, Божена Пшенская, Милка Ефтимова сингари чет эл санъаткорлари Самарқанд опера ва балет театри саҳнасида ажойиб роллар ижро этишган.

Республикамиз юбилейи арафасида ўзига хос ижодий ҳисобот сифатида ўтаётган Самарқанд опера ва балет усталарининг ижодий сафари пойтахтимиз томошабинлари учун ажойиб учрашувларга бой бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: Самарқанд давлат опера ва балет театрининг санъаткорлари: А. Аҳмаджонов «Майсаранинг иши» операсидаги қози ролида. Л. Ольшанникова «Шоир қалби» операсидаги Санобар ролида.

К. Ромеев фотолари.

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон трубкасини кўтариб, «8» рақамини терганингиздан сўнг шаҳарлараро автоматик алоқага чиқиш мумкинлигини билдирувчи сигнал эшитасиз. Шундан кейин ўзингизга керакли шаҳар коди ва телефон номерини теришингиз мумкин.

Мабодо 30—35 секунд мобайнида алоқа ўрнатилмаса, трубкани жойига қўйиб, қайтадан телефон қиласиз. Рақамларни теряётганингизда ҳар бир рақам ўртасидаги пауза 4 секунддан ошмаслиги керак. Шунинг учун ҳам керакли рақамларни шу тартибга амал қилган ҳолда олдиндан ёзиб олишингизни тавсия қиламиз.

Шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси хизматидан 24, 29, 32, 33, 35, 39, 41, 42, 44, 45, 46, 48, 53, 55, 56, 58, 62, 64, 66, 74, 76, 77, 78, 90, 91, 96-АТСлар абонентлари фойдаланишлари мумкин.

Фақат 42, 44, 62, 66-АТСлар абонентларигина ўз телефон номерларини терадилар.

468, 538, 645, 649, 455, 459, 585, 589-АТСлар абонентларининг шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси хизматидан фойдаланишда техник имкониятга эга эмаслар.

39-49-10 ва 33-58-10 телефонлари бўйича Сиз шаҳар коди, шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланиш тартиби ҳақида маълумотлар олишингиз, шунингдек «8» рақами орқали бошқа шаҳар алоқасига чиқаолмаётганингиз тўғрисида буюртмалар беришингиз мумкин.

Чақирилаётган шаҳар АТСи справка бюроси орқали зарур бўлган абонент телефон номери, одатдаги тартибда сўзлашув учун қанча ҳақ тўланиши ҳақида тегишли справкалар олиш мумкин.

Одатдаги тўловлардан 25 процент арзон бўлган имтиёзли тарифдан — фақат шаҳарлараро автоматик телефон алоқаси орқали иш кунлари соат 18.00 дан 24.00 гача ва соат 00.00 дан 07.00 гача, дам олиш ва байрам кунлари кеча-ю-кундуз фойдаланиш мумкин.

Автоматик алоқаси бўлмаган йўналишлар (шаҳарлар) учун 07 телефони орқали буюртмалар столи телефонисти шу кун ва келаси икки кун учун буюртмалар қабул қилади.

Справкалар учун телефон — 007.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АВТОМАТИК ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ МАВЖУД БЎЛГАН ШАҲАРЛАРНИНГ КОДЛАРИ ВА СПРАВКАЛАР ХИЗМАТИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Шаҳарларнинг номи	Код	Справкалар бюроси
Олмаота	3270	695122
Андижон	37422	42222
Актюбинск	31300	22121
Ашхобод	36300	51556
Бухоро	36500	32222
Винница	04300	52222
Владимир	09222	32222
Волгоград	8442	330301
Вологда	81722	22222
Горький	8312	382222
Грозный	87100	34502
Гулистон	36722	22222
Жамбул	32600	30707
Жиззах	37200	32222
Днепропетровск	0560	222222
Душанбе	3770	222222
Ереван	8850	527972
Житомир	04100	72222
Иваново—Франковск	03400	22222
Қарағанда	3210	543636
Қарши	37500	45555
Қизил-Ўрда	32400	66908
Киев	0442	2222222
Киров	83300	22222
Кировоград	05200	22222
Кишинев	0420	222222
Қўқон	43400	22222
Кокчетов	31600	65757
Краснодар	86100	50333
Куйбишев	8462	332583
Ленинобод	37900	62222
Ленинград	812	—
Львов	0322	222222
Мари	37000	22222
Минск	0170	362222
Москва	095	—
Нальчик	86600	22111
Наманган	36900	62222
Новосибирск	3832	9909111
Нукус	36100	22222
Навоий	43600	—
Орджоникидзе	86722	38188
Уш	33200	21106
Павлодар	3180	752755
Псков	81100	22145
Ростов—Дон	8632	326609
Самарқанд	36800	32222
Саранск	83400	72222
Саратов	84500	245300
Свердловск	3432	209111
Семипалатинск	32200	22121
Ставрополь	86522	64222
Толди—Қўрғон	32800	72121
Тбилиси	8832	990203
Термиз	37600	22222
Ульяновск	84222	40222
Уральск	31100	21068
Урганч	36222	62222
Усть—Каменогорск	32300	52222
Фарғона	37300	42222
Фрунзе	3310	254254
Харьков	0570	222222
Целиноград	31700	22121
Чебоксари	83500	22222
Челябинск	8510	361631
Черкасск	04722	22222
Чернигов	04622	22222
Черновцы	03700	22222
Чимкент	32500	34645
Областлар шаҳарларн ва район марказлари:		
Олмаота области		
Иссиқ	327075	2183
Қапчиғай	32772	21109
Каскелен	32771	91963
Талгар	32774	46370
Узун-Ёғоч	327070	2898
Андижон области		
Оҳунбобоев	37475	22222
Қўрғон тепа	37472	11222
Ленинск	37436	22222
Пойтуғ	37431	22222
Хўжабод	37474	12222
Шаҳрихон	37434	22222
Волгоград области		
Бикова	84495	91151
Дубовка	84458	91261
Жирновск	844540	2421
Калач	84472	22952
Камишин	84457	23019
Клетский	84466	41190
Котово	844550	—
Кумелженский	84462	—
Ленинск	84478	—
Михайловка	84463	22255
Новоаннинский	84447	—
Октябрьский	84475	—
Палласовка	84492	61835
Средняя Ахтуба	84479	71205
Суровкино	84473	91303
Урюпинск	84442	22492
Фролово	84465	96475
Горький области		
Арзамас	83147	32222
Белгородск	83170	31550
Дзержинск	83140	51124
Кстово	83145	22222
Павлово	83171	21222
Семенов	83162	21221
Ленинград области		
Волосово	81273	21090
Волхов	81263	11077
Всеволжск	81270	24344
Выборг	81278	22502
Гатчина	81271	22222,
Кингисеп	81275	22233
		62090
Ломоносов	81276	20171,
		21333
Лодейное поле	81264	22833
Луга	81272	22163
Сосновий бор	81269	61333
Тосно	81261	22222
Киев области		
Белая церковь	04463	51299
Володарка	04469	51351
Переяслав—Хмельницкий	04467	52379
Полесское	04492	51332
Тетиев	04460	51332
Фастов	04465	52222
Пермь области		
Верещагино	34254	—
Кизел	34255	—
Ростов области		
Волгодонск	86392	22209
Каменск	86365	59085
Миллерово	863015	3509
Новошахтинск	863069	2359
Новочеркасск	86352	23209
Сальск	86327	20080
Таганрог	86344	21414
Саратов области		
Аркадак	74542	21965
Аткарск	74552	—
Балашов	74545	—
Горний	74577	—
Ивантеевка	74579	—
Калининск	74549	—
Красноармейск	74550	22936
Красний Кут	74560	—
Новий Бураси	74557	—
Новоузенск	74562	—
Озинки	74576	—
Ртищево	74540	—
Сомойловка	74548	—
Степное	74566	21953
Татищево	74558	—
Свердловск области		
Алапаевск	34346	56422
Артемовск	34363	—
Асбест	34365	24009
Белоярский	34377	21222
Каменск-Уральский	34378	30352
Карпинск	34313	22599
Краснотурьинск	34314	22299
Красноуфимск	34394	—
Нижние Серги	34396	—
Нижний Тагил	34351	23009
Первоуральск	34392	22609
Ревда	34397	42325
Серов	34315	24301
Сухой Лог	34373	22884
Тошкент области		
Оққўрғон	255	91222
Олмалиқ	261	42222
Ангрен	2660	2222
Оҳангарон	2640	2222
Бекобод	2910	2222
Бўка	257	35222
Ғазалкент	274	21409
Гулбаҳор	258	76222
Зафар	293	21222
Қалинин	297	54222
Келес	296	56222
Қибрай	295	62222
Паркент	272	92222
Пскент	254	29260
Солдатский	256	72222
Тўйтепа	276	21222
Чиноз	259	21300
Чирчиқ	271	52222
Янгийўл	260	72222
Янгибозор	298	91013

Квартира телефонларидан кредитга шаҳарлараро сўзлашув учун тўлов счёти кўрсатилган вақтдан бошлаб 15 кун мобайнида тўланиши керак.

Абонент счёт тўлови ҳақидаги ҳужжатни 3 йил ўзида сақлаши лозим.

Белгиланган муддатда счёт тўлови тўланмаган тақдирда алоқа корхонаси телефонни узиб қўйиш ҳақида абонентни огоҳлантиради.

Шундан кейин абонент ҳисоб-китоб қиладиган алоқа корхонасига бу ҳақда маълум қилиб қўйиши керак.

Агар абонент огоҳлантиришдан кейин ҳам 5 кун ичида қарзини тўламаса телефон узиб қўйилади.

Абонент счёт бўйича қарзи узилганлиги ҳақидаги ҳужжатни кўрсатгандан кейин ва телефон қайта уланганлик учун 2 сўм тўлагандан сўнггина унинг телефони 3 кун ичида улаб қўйилади.

Агар телефон узиб қўйилгандан кейин бир ой мобайнида абонент қарзини тўламаса — у телефондан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва тўланмаган қарзи мавжуд тартиб-қоида йўли билан ундириб олинади.

Телефондан индивидуал фойдаланувчилар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотлар, жумладан, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, чет эл ваколатхоналари ва шаҳарлараро ташкилотларнинг телефон эгалари шу телефонлар орқали шаҳарлараро гаплашув учун тўла моддий жавобгардирлар.

Коллектив фойдаланишдаги телефон учун жавобгар шахслар бегона кишилар шу телефондан фойдаланганлиги учун ҳам моддий жавоб берадилар.

Телефон хабарлари тўғрисидаги ҳар қандай справкалар алоқа корхоналари томонидан фақат телефон эгалари ёки унинг қонуний вакилларига берилиши мумкин.

Шаҳарлараро сўзлашув тўловларини ўз вақтида тўлашингизни илтимос қиламиз.

Абонент участкалари ташриф буюрувчиларни қуйидаги вақтларда қабул қилади:

Иш кунлари: — соат 16.00 дан 20.00 гача.
Шанба кунлари — соат 9.00 дан 18.00 гача.
Дам олиш куни — якшанба.

Қуйидаги телефонлар номерларини улашда ўзгаришлар рўй берди:

Киевда 30хххх дан 430хххх га; 31хххх дан 431хххх га; 34хххх дан 434хххх га; 35хххх дан 435хххх га; 36хххх дан 416хххх га; 37хххх дан 417хххх га; 38хххх дан 418хххх га; 39хххх дан 419хххх га ўзгарди.

Москвада 2507000 — 2507599; 2507900 — 2507999 номерлари 9227000 — 9727999 га ўзгарди.

Справка учун телефон 2540561.

5546ххх — 5549000 телефон номерлари янги АТС—559 га ўтказилиб телефон номерлари тўла ўзгартирилди; Справка учун телефон 5930666.

Новосибирскда 2хххх, 5хххх, 6хххх дан 24хххх, 25хххх, 26хххх га, 72хххх, 79хххх дан 42хххх 49хххх га ўзгарди.

Справка учун телефон — 245300.

Олмаотада «АХБК» телефонлари 269900—269999 дан 279900 — 279999 га ўзгарди.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги
247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚЎЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **кондитер, новвой-тандир нони ва булочка пиширувчи, лабо,ант-химик, автоматика ва контроль-ўлчов ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналарини созловчи механик, қурилиш бўёқчиси, автослесарь.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТ-ГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8 синф ҳажмида маълумот билан ўқишга қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ, ўрта маълумот ҳамда касб тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

10 синф ҳажмида маълумотлилар 1йил ўқийдилар ва ойига 30 сўм стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўтиш даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Билим юртини битирганлар танлаган мутахассисликлари бўйича Тошкент нон корхоналарида, кондитер-булочка комбинатида, «Ўртоқ» конфет фабрикасида ва Тошкент пиво корхоналарида ишлайдилар.

Билим юрти қошида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, «Такт» ансамбли ишлайди ва ҳар хил спорт тўгараклари мавжуд.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина ва турар жойидан справкалар, 6 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй, Қўйлиқ (63, 133, 121, 127, 81, 15, 45, 23-автобуслар; 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ГОРЬКИЙ ТЕЛЕВИЗИОН ЗАВОДИНИНГ МАҲСУЛОТИ БЎЛГАН «ЧАЙКА» ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ СИЗЛАРНИ САНОҚЛИ ДАҚИҚАЛАРНИНГ ЎЗИДА ЕР КУРРАСИНИНГ ИСТАЛГАН МАНЗИЛИ БИЛАН ТАНИШТИРА ОЛАДИ!

«ЧАЙКА-207» — бу оқ-қора тасвирдаги юқори сифатли такомиллашган лампа-ярим ўтказгич телевизион приёмникдир.

«ЧАЙКА-207» телевизорида инженерлар ва дизайнер-конструкторларнинг доимий изланиши ўзининг ёрқин ифодасини топган, телевизион техниканинг сўнгги ютуқлари ва узоқ йиллар мобайнида тўпланган бой тажрибалардан усталик билан фойдаланилган.

Турли автоматик созламалар, тасвир ҳажмини бир маромда шакллантирувчи автоматик ускуналар «ЧАЙКА-207» телевизоридан фойдаланишни анчагина енгиллаштиради.



«ЧАЙКА-207» ТЕЛЕВИЗОРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ:

— дециметрли диапазондаги кўрсатувларни қабул қилиш учун СКД-1 блокини ўрнатиш мумкин;

— овоз ва тиниқликни бошқариш учун масофадан туриб бошқариладиган пульт улаш мумкин;

— наушниклар орқали эшиттиришларни тинглаш мумкин;

— қизиқарли кўрсатув ёки манзур бўлган куйларни ёзиб олиш учун магнитофон улаш мумкин.

Горький шаҳридаги В. И. Ленин номидаги телевизион заводининг «ЧАЙКА-207» телевизори узоқ муддат чидамли ишлайди.

У замонавий эстетик талабларни инобатга олган ҳолда рангбаранг безакли кўринишда ишлаб чиқарилмоқда.

«ЧАЙКА-207» телевизори 220 вольтли кучланишли ўзгарувчан ток манбаларидан қувват олиб ишлайди.

Экраннинг диагонали бўйича размери — 61 см.

Телевизор баҳоси — 296 сўм.

ГОРЬКИЙ САВДО РЕКЛАМАСИ КОМБИНАТИ.

ТВ

ЧОРШАНБА

1 АВГУСТ

● МТ I

18.00 «Стадион ҳамма учун».
18.30 «Қувноқ нотачалар».
18.45 «Қизғин иш». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 Ёшлар аудиториясидаги учрашувлар. «Инженерлик ҳақида сўз».
20.20 «ТАСС вакил қилинган...» Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб қўшиқ куйлаймиз, дўстлар».
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Осмондан тушган беш ўғлон». Бадиий фильм.
20.20—20.30 Халқ куйлари.
20.45 Сибирь тупроғи. «Ямаль хроникалари». 1-кўрсатув.
21.20 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Киножурнал.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Тбилиси).
23.45 Ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.00 «Бригада усули асосида» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Жаҳон адабиёти классиклари». А. Навоий. «Лайли ва Мажнун».
20.30 «Ахборот».
20.50 Самарқанд опера ва балет театрининг Тошкентдаги гастроллари. «Балет кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Рюбецаль йўли». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Мирний». Телефильм.
18.35 «Алёшанинг севгиси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Оналарни шарафлаймиз». Тошкент ва Фарғона шаҳарларидаги қаҳрамон оналар билан учрашув.
21.00 «Ойнинг ўттиз иккинчи куни». Телефильм.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

2 АВГУСТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Ҳужжатли фильмлар: «Ўзингда синаб кўр ёки ким эртанги кун ишчиси бўлади», «Мардлик сабоқлари».
10.20 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.50 Мультфильм.
11.05 «ТАСС вакил қилинган...» Ун серияли теевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.15 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 Шахмат мактаби. «Маҳорат сабоқлари.
16.45 Болалар учун фильм. «Чавандозлар». 2-серия.
18.00 Тожикистон ССР Давлат телерадиоси «Зебо» халқ рақс ансамблининг концерти.
18.30 «... 16 ёшгача ва ундан каттолар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 Совет қўшиқларидан концерт.
20.20 «ТАСС вакил қилинган...» Ун серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динано» (Минск) — «Спартак».
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 «Қалбим ўша муҳаббат билан лиммо-лимм». Адабий-музикали композиция.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Осмондан тушган беш ўғлон». Бадиий фильм.
10.50 Фильм-концерт.
11.20 «Агар дунёни кўрмоқчи бўлсанг». Телефильм.
11.45 «Рус қиссалари ва эртаклари музикада». Концерт.
12.55 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
13.40 —14.10 «Онамларнинг мактаби».
14.40 САРАТОВ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.30 «Шаҳар қабул қилди». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.45 Янгиликлар.
21.30 «Время».
18.45 Сибирь тупроғи. «Ямаль хроникалари». 2-кўрсатув.
19.15 «Нонни ҳимоя қилиб». Ҳужжатли фильм.
19.25—20.30 «Крилов масаллари ва ҳазил қўшиқлари». Фильм-концерт.
20.45 Халқаро конкурс лауреати П. Коган концерти (скрипка).
21.30 «Время».
22.00 «Икки ёз ўртасида». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР).
23.25 Молдавия ССР телерадиоси академик хорининг концерти.

● ЎзТВ I

19.45 Самарқанд опера ва балет театрининг Тошкентдаги гастроллари. «Опера театри солистлари...»
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Мамадалиев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.20 «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

КИНО

1 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«НУРИ» — Санъат саройи (катта зал, 19.30; кичик зал, 17, 19.30, телефон 44-21-74). **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда, телефон 74-96-10), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (18, 21.00, телефон 58-24-92), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«МЕНИ КЕЧИР, АЛЁША» — Тинчлик (17, 19, 20.45, телефон 58-36-06).

«БЎРИ УЯСИ» — Искра 18, 21.00, телефон 39-14-59).

«ХОЛОДИЛЬНИКДА КИМДИР УТИРГАН ЭКАН» — Ғ. Ғулом номли (жуфт соатларда).

2 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«НУРИ» — Санъат саройи (катта зал, 10.30, 13.45, 16.30, 19.00, кичик зал, 12. 14.30, 17, 19.30, телефон 44-21-74), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ватан** (жуфт соатларда, телефон 74-96-10), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-02), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«МЕНИ КЕЧИР, АЛЁША» — Тинчлик (11, 13. 15, 17, 19, 20.45, телефон 58-36-06), **Фестиваль** (21.50, телефон 32-78-02).

«БЎРИ УЯСИ» — Искра (12, 15, 18, 21.00, телефон 39-14-59).

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНАЧИЛАР **ДИҚҚАТИГА!**

1984-йил

1 АВГУСТДАН БОШЛАБ

ЧЕТ ЭЛ, МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, ШАҲАР, РАЙОН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

1985 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

Корхоналар ва муассасалардан обуна 1984 йил 31 августгача қабул қилинади.

ОБУНА БАРЧА «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИКЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ВА ИШ ЖОЙЛАРИДА, ШУНИНГДЕК ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бошқармаси.

Андижон шаҳар, Қўрғонтепа районидаги 13-ўрта мактаб томонидан **Гапуров Мадаминжон** номига берилган 414618 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент область, Оҳангарон районидаги 15-ўрта мактаб томонидан **Нишонбоев Азаматали** номига берилган 954742 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведка қилиш институти коллективи катта илмий ходим У. Ҳ. Ҳакимовга отаси

Ҳамид ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 АВГУСТ, 1984 й. Р—13845. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12